



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА АДОЛАТЛИ
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА
ШАХСНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

ТОШКЕНТ

Тахрирхайъати:
юридик фанлар доктори, доцент **Ў. Х. Мухамедов**,
юридик фанлар номзоди, доцент **Б. А. Саидов**,
юридик фанлар номзодлари **Г. С. Тастанбекова**,
У. Э. Фозилов, **А. А. Нуридуллаев**.

Тақризчилар:
Тошкент давлат юридик университети давлат ҳуқуқи ва бошқаруви
кафедраси мудир, юридик фанлар номзоди, доцент **Ш. Х. Зулфикоров**;
ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар номзоди, доцент **Н. П. Азизов**.

Х - 92 **Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари:** Илмий-амалий конференция материаллари тўплами /
Масъул муҳаррир: **Ш.Т. Икрамов** — Т., Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2016. — 308 бет.

Ушбу илмий мақолалар тўпламида ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган ҳамда «Конституция — фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати», «Конституция — демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш пойдевори», «Конституция — ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва маънавий тараққиёт гарови» ва «Конституция — суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим ҳуқуқий асоси» каби тўрт йўналиш доирасида ёзилган илмий мақолаларни қамраб олади.

Мутахассислар, давлат идоралари ходимлари, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрлар, талабалар, тингловчи-курсантлар ҳамда конституциявий ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КБК 67.09(5У)01

Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмун ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллифлар жавобгардир.

уруши катнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Давлатимиз кексаларни ҳар томонлама қадрлаш йўналишида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджети ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафакалар тўлангани, иккинчи жаҳон уруши катнашчилари 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони асосида соғломлаштириш курсидан ўтишни ташкил этилиши бунинг амалий тасдиғидир.

Дунёдаги камдан-кам давлатлар каторида бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши ҳам шундан далолат беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақиллигимиз таянчи, фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати сифатида на фақат мамлакатимизда, балки бутун жаҳонда тан олинди.

*М. Инагамова**

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ТИЗИМИДА АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аёл ҳуқуқларини таъминлаш механизмларини шакллантириш ҳозирги кунда олиб борилаётган тадқиқотларда янги йўналиш бўлиб, энг муҳим ва инг изчил ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқий нормалар тизимида аёл ҳуқуқлари бошқа фанларда тикрорланмайдиган ўз предметиға эға бўлиб, булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: аёл ҳуқуқларининг тарихий, тадрижий тараққиёти; аёлниң кадр-қиммати ва шахсий ҳуқуқлари; аёл ҳуқуқларининг сиёсий, ҳуқуқий асоси ва юридик моҳияти; аёл ҳуқуқлари таълимоти даражасининг сиёсий таҳлили; аёл ҳуқуқларини турли давлатлар амалиётиға сингдириш усуллари; аёл ҳуқуқларини таъминланиши кафолатлари механизми.

Ҳуқуқий нормалар тизимида аёллар ҳуқуқлари ҳолати таҳлил қилганда, қиқимти даврда бу ҳуқуқларининг тарихий-ҳуқуқий шаклланишининг ўзини хослиги қуйидагилардан иборат бўлган:

биринчидан, аёллар ҳуқуқлари жуда содда бўлиб, ягона тизимға эға бўлмиған ва минтақавий хусусият қасб этган, чунки у турли жўғрофий минтақалар доирасида ривожланган;

* ИИВ Академияси Малака ошириш факультети қасбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси.

иккинчидан, аёллар ҳуқуқлари асосан ўша минтақанинг одат ҳуқуқи нормалари асосида шаклланган;

учинчидан, инсоният тарихида аёл ҳуқуқлари дастлабки юридик институтлардан бири сифатида шаклланган, шунингдек, келажакда «шахс», «давлат», «ҳокимият», «зўравонлик», «адолат», «эркинлик», «ҳуқуқ», «қонун» ва бошқа шу каби сиёсий-юридик тушунчаларни ривожланишида ҳамда давлатни ижтимоий тартибга солиш муносабатларидаги сиёсий ҳуқуқларни ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Халқаро миқёсда аёлларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун амалга оширган ҳаракатларини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Биринчи босқич – камситишларга қарши курашиш босқичи бўлиб, у 1979 йилда БМТ томонидан Хотин-қизларнинг камситилишини олдини олишга оид декларациянинг қабул қилиниши билан якунланди.

Иккинчи босқич – аёлларга нисбатан зўравонликка чек қўйишга асосланган бўлиб, у халқаро андозаларга мослашган ҳолда миллий ҳуқуқий нормалар тизимини жорий этиш заруратини кўрсатди, ушбу босқич БМТ томонидан «Аёлларга нисбатан зўравонлик масалалари бўйича махсус маърузачи»¹ лавозими таъсис этилиши билан якунланди.

Аёл ҳуқуқлари илмий ҳолислик, тарихийлик принципи асосида, инсон ҳуқуқлари муаммолари силсиласига ҳуқуқий нормаларнинг тизимл ёндашувини инобатга олган ҳолда ташкил топган.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг иштироки ҳар бир минтақада ва давлатда ўз тарихига эга. Аёл ҳуқуқларини таъминлаш механизминини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борган олим Х.Роузнинг фикрига кўра жамиятнинг сиёсий ҳаётида, ижтимоий зиддиятлар мураккаблашиб, чигалликка ўтгандан сўнг хотин-қизлар етакчилик ролини эгаллаб келган. Масалан, Испанияда 1789 йилги фуқаролик урушида ёки бир қатор мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатлари (яққол классик мисол Жанна д'Арк)да ҳам уларнинг ўрни муҳим ҳисобланган. Яна бир тарихий далил шундаки, вазият ижобийлашганидан сўнг формал сиёсий тузилмалар вужудга келиб, биринчи ўринда эркалар майдонга чиқиб оладилар ва аёлларни четга суриб қўядилар².

Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилган дастлабки фаол гуруҳлар 1789 йилги француз инқилобидан кейин пайдо бўлган эди. XVIII асрнинг 90-йилларида тенгли ва озодлик ғоялари таъсирида катор шаҳарларда бир неча аёллар клублари ташкил этилади. Уларда аёллар тўпланиб, таълим, ме

¹ 2003 йил август ойдан БМТ томонидан аёлларга нисбатан зўравонлик масалари бўйича махсус маърузачи лавозимини Якин Эрурк хоним эгаллаб турибди.

² Самаров Р.С. Куролли Кучлар феминизациялашувининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари. – Т., 2005. – Б.11.

нат, жамият ишларини бошқаришда иштирок этишга даъват қилувчи сиёсий дастурлар ишлаб чиқишган.

Шундай клублардан бирининг раҳбари Мари Жуз «Аёллар ҳуқуқлари декларацияси» деб номланган чақирик яратган. Бу ҳужжат инқилобнинг асосий конституциявий ҳужжати бўлган «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»га асосланган эди. Чақирикнинг муаллифи таъкидлашича, эркинлик ва тенг фуқаролик ҳуқуқи фақат эркакларга тегишли бўлиб, жамиятнинг ярми ана шундай устуворликдан маҳрум бўлган шароитда ҳақиқий тенгликка эришиб бўлмайди. Инқилоб раҳбарлари бу чақирикқа қўшилмади ва Мари Жуз қатл этилди. Аёллар клублари ҳукумат декретига қўра тарқатиб юборилди. Бироқ Марз Жуз феминистик ҳаракат учун жон фидо қилган аёллигича тарихда қолди¹.

Феминистик қарашларни ривожлантирадиган дастлабки тадқиқотлардан бири Мэри Уоллстоункрафтнинг 1972 йилда чоп этган «Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» асари бўлди. «Аёллар, — деб ёзади у, — цивилизациянинг барча камчиликларини ўз зиммасига олиб, фойдали неъматларни бошқаларга беришди»². Бу каби мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, аёл ҳуқуқлари шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий негизлари тизими шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқ кичик тизимларидан таркиб топган ягона бир бутун тарзда таснифланади.

Улардан *биринчиси*, аёл ҳуқуқлари тўғрисидаги гояларнинг юзага келиш ва тадрижий ривожланиш тарихи, бошқача қилиб айтганда, бундай гояларнинг, жаҳон миқёсидаги тарихий ривожланиш негизидаги ҳар бир давлатнинг тараққий этиш асносидаги қарор топиш қонуниятларини ўрганишидир; *иккинчиси* аёл ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда шу соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ўрганишдан иборат.

Г. Ҳошимова*

ҚАЕРДА ҚОНУН ҲУҚМРОНЛИК ҚИЛСА, ШУ ЕРДА ЭРКИНЛИК БЎЛАДИ

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир».

¹ Гидденс Энтони. Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Тарж. Н.Маматов., Ж.Бегматов. — Т., 2002. — Б.208.

² Wollstonecroft M.A. Vinndication of the Rights of Women Harmondsworth. 1985. — P.67.

* ТОУҚБЮ катта ўқитувчиси.